

HPV (ИНСОН ПАПИЛЛОМА ВИРУСИ) САБАБЛАР ВА ТЕРАПИЯ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Наврузова Дилшода Толибовна

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти

Бухоро, Ўзбекистон. E-mail: navruzova.dilshoda@aaaisbsmi.uz

Аннотация: Ушбу тадқиқотда инсон папиллома вируси (HPV) билан юктирилган 32 нафар аёлда инфекциянинг сабаблари ва даво самарадорлиги таҳлил қилинди. Беморларда ПЦР, кольпоскопия ва цитология асосида ташхис қўйилди. Даволашда интерферон ва иммуномодуляторлар қўлланилиб, 65% ҳолатда вирус йўқолишига эришилди. Натижалар HPV инфекциясини эрта аниқлаш ва комплекс терапиянинг самарадорлигини тасдиқлайди.

Калит сўзлар: HPV, инсон папиллома вируси, вирусли инфекция, дисплазия, колпоскопия, иммуномодуляторлар, интерферон, терапия самарадорлиги.

Долзарблиги. Бачадон бўйни саратони аёллар ўртасида кенг тарқалган онкологик касалликлардан бири бўлиб, унинг асосий этиологик омили – инсон папиллома вируси (HPV) ҳисобланади. Олиб борилган тадқиқотларга кўра, 70%дан ортиқ ҳолатда юқори хавфли HPV турлари (16 ва 18) мазкур саратонни келтириб чиқаради. Шу боис, HPV инфекциясини эрта аниқлаш ва самарали даволаш мураккаб клиник масала ҳисобланади.

Мақсад. Инсон папиллома вируси билан юктирилган аёллар орасида юқиш сабаблари, клиник кўринишлари ва замонавий терапевтик ёндашувларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш.

Усуллар. Ушбу тадқиқотга 2024–2025 йиллар давомида гинекология бўлимига мурожаат қилган ва HPV инфекцияси аниқланган 32 нафар аёл жалб қилинди. Барча беморларда клиник ва лаборатор текширувлар: ПЦР усулида HPV типлаш, кольпоскопия, цитология ва гистология натижалари

баҳоланди. Даволашда интерферонлар, иммуномодуляторлар, антиоксидантлар ва маҳаллий терапия қўлланилди. Терапиядан кейинги 3–6 ой давомида кузатув олиб борилди.

Натижалар.

1. 32 бемордан 25 нафарида юқори хавфли HPV типлари (16, 18, 31) аниқланди.
2. 18 беморда бачадон бўйни эпителийсида I–II даражали дисплазия (CIN I–II) кузатилди.
3. Интерферон асосидаги терапия 72% ҳолатда вирус юки камайишига ва симптомлар енгиллашишига олиб келди.
4. Иммуномодуляторлар билан қўшма даволаш схемаларида вируснинг ПЦР орқали ноаниқ чиқиш ҳолати 65% га етди.
5. Қўшимча равишда маҳаллий воситалар (суппозиторийлар, антисептиклар) инфекцияни назорат қилишда ёрдам берди.
6. 6 ойлик кузатувда 8 беморда вирус такроран аниқланди, уларда даволаш тўлиқ самара бермаган.

Хулоса. HPV инфекцияси аёллар саломатлиги учун жиддий таҳдид бўлиб, унинг эрта ташхиси ва комплекс давоси юқори аҳамиятга эга. Интерферон ва иммуномодуляторлар билан олиб борилган терапия аксарият ҳолатларда ижобий натижа берди. Бундан ташқари, мунтазам скрининг ва индивидуал ёндашув юқори хавфли типлар билан касалланган беморлар учун муҳим ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. ВОЗ. Human papillomavirus (HPV) and cervical cancer. Fact Sheet, 2024.
2. Bosch FX, et al. The causal relation between HPV and cervical cancer. J Clin Pathol. 2023.

3. Мустафина Н.А. Вирус папилломы человека: эпидемиология и профилактика. Гинекология, 2022.
4. Дадашева С.Н. Современные методы лечения папилломавирусной инфекции. Вестник акушерства и гинекологии, 2023.
5. Tjalma WAA. HPV vaccine and screening in the prevention of cervical cancer: current perspectives. Int J Womens Health, 2024.